

КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти

Email: ffayziev84@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамияти, кўчмас мулкка солиқ солиш мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, солиқ солиш базасини белгилашдаги муҳим ўринга эга эканлиги таҳлилий асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. маҳаллий солиқ, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, шахсий карточка, солиқ элементлари, дастурий маҳсулот, инвентарь қиймат.

ОСОБЕННОСТИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НЕДВИЖИМОСТИ

Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич

Фискальный институт при Налоговом комитете

доцент кафедры «Налоги и налогообложение»

Электронная почта: ffayziev84@gmail.com

Аннотация. В данной статье на основе анализа раскрывается экономическое значение недвижимого имущества, то, что налогообложение недвижимого имущества повышает конкурентоспособность имущества и занимает важное место в определении налоговой базы, и вырабатываются соответствующие рекомендации.

Ключевые слова. местный налог, рыночная стоимость имущества, недвижимость, кадастровая стоимость, личная карточка, налоговые элементы, программный продукт, инвентарная стоимость.

CHARACTERISTICS OF REAL ESTATE TAXATION

Fayziyev Farrukh Abdulloxojayevich

Under the Tax Committee

Fiscal institution

"Tax and taxation" department

Email: ffayziev84@gmail.com

Abstract. In this article, the economic importance of real estate, the fact that real estate taxation increases the competitiveness of property and has an important place in

determining the tax base, are developed based on the analysis, and relevant recommendations are developed.

Key words. local tax, rynochnaya stoimost imushchestva, real estate, cadastral cost, personal card, tax elements, software product, inventory cost.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш масалалари ёритиб берилган асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади [1].

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши натижасида тармоқлар ва минтақаларнинг барқарор ривожланиши таъминланиб маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш бўлимида “Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш лозим деб белгиланди[2].

Юқорида кўрсатиб ўтилган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб:

2023–2025 йилларга мўлжалланган Фискал сиёсатнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб кўчмас мулк объектларини (бинолар, иншоотлар ва ер участкалари) бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қийматдан ҳисоблаш орқали кўчмас мулк солиғига ўтишни тақозо этмоқда.

Кўчмас мулкни тасарруф этиш ва ундан оқилона фойдаланиш кўчмас мулкларнинг иқтисодий аҳамиятини белгиласа, маҳаллий бюджет даромадлари базасини ташкил этишда эса даромад манбаидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат Маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги бу соҳада тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг қўллаш орқали ушбу масалага тизимли ёндашиш кераклигини тақозо этади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги даврда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация қилиш қаралади.

Мол-мулк ва ер солиқлари давлат бюджетини шакллантиришда ўз ўрнига эга. Ер ва мол-мулкни солиққа тортиш тизими азалдан мавжуд бўлиб иқтисодий соҳа олимлари уни солиққа тортиш бўйича турли хил қарашларини ифода этиб келганлар. Қуйида келтирилган жадвалда иқтисодий олимларнинг бу борадаги фикрлари жадвал шаклига келтирилган:

1-жадвал.

Кўчмас мулкни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда солиққа тортиш ва солиқ солиш тушунчаларини асослашга назарий ёндашувлар¹.

Мулк объекти	Фойдаланиш мақсади	Солиққа тортиш ёндашуви
Ер участкаси	Ишлаб чиқариш	- етиштирилган маҳсулотга қараб (Г.Джорж) - солиққа тортиш баҳоланган ёки ҳақиқий ижара қийматига нисбатан асосланиш (А.Смит)
	Шаҳар ерлари	- ўсиш қиймати таъминланмаган биноларни мусодара қилиш (ДЖ.Ст.Милль) - бинолар остида жойлашган ерни солиқ солиш базасидан чегириш (А.Р.Ж. Тюрго)
Бинолар ва капитал қурилишнинг бошқа объектлари	Ижара	- ижарадан олинган даромаддан солиқ-қа тортиш (физиократлар) - қурилиш харажатлари ва ер ижараси-дан келиб чиқиб солиққа тортиш (А.Смит)
Қуйидаги кўчмас мулклар солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди		
Яшаш учун мўлжалланган бинолар	Турар жой	- солиқ тўловчининг даромадидан келиб чиқиб солиққа тортилмайдиган минимумни белгилаш (А.Ж.Тюрго)
	Ҳашамат	- асосий эҳтиёждан ортган объектлар-ни солиққа тортиш базасига киритиш. (Н.И.Тургенев) (И.И.Янжул); - солиқ тўловчига таалуқли бўлган кўчмас мулк объектларини ҳисобга олган ҳолда прогрессив солиқ тизимини жорий этиш (И.И. Янжул)

¹ Муаллиф томонидан ўрганишлар асосида мустақил тайёрланган.

Физиократлар таълимотининг асосчиси Франсуа Кэне (1694–1774) Давлат харажатларини қоплашнинг асосий кўринишларидан йўналишидан бири деб куйидагиларни кўрсатиб ўтди:

- ер эгаларидан олинадиган солиқ

- уй ёки кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларин солиққа тортиш орқали давлат харажатларини қоплаш йўлларида бири сифатида эътироф этди.

Биз ҳам бу фикрга қўшиламыз ва бу амалиёт Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги давлат бюджети параметрларида ўз аксини топмоқда.

Франсуа Кэне (1757 й.) бундай даромад олиш усули солиқ тўловчи учун ортиқча харажат ва оғир меҳнатга асосланмаган фойдани ташкил қилишини таъкидлаб ўтди [3].

Америкалик сиёсий иқтисодий соҳа бўйича олим Герберт Саймон(1943й.) иқтисодчи олим Дик Нетцер(1966й.) ижарага берилган объектлар учун олинадиган ер ва кўчмас мулк солиғи суммаси уларнинг ҳақиқий ижара қийматидан олинishi-кўчмас мулкка бўлган талабни ва ижара ҳақи тўловларини пасайишига хизмат қилади деб таъкидлаб ўтди.

Россиялик олимлардан Дрожжина И.А. ўзининг қарашларида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини бирлаштириб кўчмас мулк солиғи жорий этишни таклиф қилган [4].

Юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг қарашларида аҳолининг ижтимоий кам даромад оладиган қатлами етарлича инобатга олинмаган деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек олимларидан Ниязметов Исламбек Машарипович ҳам бу борада фикр юритиб мол-мулк солиғи объекти таркибида фақат кўчмас мулк объектларини қолдириб, уни ер солиғи билан бирлаштириб, юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил тартибда амал қиладиган кўчмас мулк солиғига босқичма-босқич ўтиш таклифини илгари сурган [5].

С.Боймуротовнинг тадқиқотларида "мамлакатимизда ер ресурслари ва кўчмас мулклардан солиқ ундиришда амалдаги мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан солиқ ҳисоблаш ўрнига, халқаро солиққа тортиш қоидаларига мувофиқ кўчмас мулкларнинг бозор нархларида баҳолаб солиқа тортиш тартибига босқичма- босқич ўтиш мақсадга мувофиқ" [6] деб ҳисобланган.

Ш.Дусияровнинг тадқиқотларида "Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан солиққа тортиш режимларини белгилашда мол-мулкларни солиққа тортишни алоҳида эътиборга олиш, солиқ базасини камайтириб кўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда жавобгарлик чораларини кучайтириш бу бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ" [7] деб ҳисобланган.

М.Курбоновнинг тадқиқотларида камерал солиқ назоратини амалга

оширишда мол-мулк солиқларини баҳосини баҳолашда кадастр қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиб хулосалар тегишли келтирган[8].

Биз ҳам юқоридаги айтилган фикрга қўшилган ҳолда кўчмас мулк солиғини босқичма-босқич жорий этиш ва унда қуйидагиларни инобатга олиш зарурлигини таъкидламоқчимиз:

- юридик шахслар учун мол-мулк солиғини белгилашда ўртача йиллик қолдиқ қиймати инобатга олиш;
- жисмоний шахслар учун кадастр ёки (бозор) нархига яқин нархда белгилаш тизимларини ривожлантириш лозимлигини таъкидламоқчимиз.

Фикримизча кўчмас мулк солиғини жорий этиш негизида давлат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ер ва мулк ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг мулкка бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш даражаси ётади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ресурс ҳамда мулкни солиққа тортиш тизимини бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллантириш зарурдир.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Давлатнинг солиқ сиёсатини тўғри белгилаши кўчмас мулкдан оқилона фойдаланишни таъминлайди.



Кўчмас мулкни солиққа тортишдан мақсад²

Бугунги кунда кўчмас мулкка солиқ солиш дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларига амал қилади. Баъзи мамлакатларга мулкка нисбатан солиқ мавжуд эмас. Жумладан Эстонияда кўчмас мулк солиққа тортилмайди. Словакия ва Швеция ҳам шулар қаторида. Ҳар бир давлатда мулк солиғининг ўзига хос тизим мавжуд.

² Муаллиф томонидан мустақил ўрганишлари асосида шакллантирилган.

Жаҳон амалиётида кўчмас мулк учун солиқ ер ва унинг устида қурилган бино, яшаш ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мўлжалланган иншоотлар учун ундирилади.

Баъзи мамлакатларда мол-мулк ва ер солиғи ўрнига иккита солиқни қўшган ҳолда кўчмас мулк солиғи жорий этилган. (АҚШ, Италия, Испания, Япония ва бошқалар). Россия Федерациясида бу солиқни амалиётга жорий этиш таклифи 2002 йилда илгари сурилган эди. Бу солиқ Россия Федерация-сининг айрим ҳудудларига қўлланила бошлади. [9].

Қуйида келтирилган жадвалда хорижий мамлакатларда қўлланиладиган кўчмас мулк солиғининг элементларини кўрсатиб ўтилган.

2-жадвал.

Жаҳон амалиётида кўчмас мулк солиғининг элементлари³

№	Солиқ элементлари	Изоҳ
1	Солиқ тўловчилари	Кўчмас мулк эгалари ва ижарачилар
2	Солиқ объекти	Ер ва мулклар (ер устидаги бино, иншоот ва бошқалар)
3	Солиқ базаси	Бозор қиймати ёки баҳолаш органлари томонидан бозор яқинлаштирилган баҳоланган қиймат
4	Кўчмас мулк қийматини аниқлаш усуллари	Даромад усули, харажат усули, таққослаш усули
5	Кўчмас мулкни баҳоловчи органлар	Солиқ органлари, баҳолаш органлари
6	Солиқ ставкаси	Қатъий ва фоизларда
7	Имтиёз	Ижтимоий қатлам доирасидаги аҳолига берилади.
8	Солиқ тури	Маҳаллий

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадики, солиққа тортиш мақсадида кўчмас мулкни қийматини бозор баҳоларида белгиланиши асосий солиқ базаси ҳисобланади.

Кўчмас мулкни кадастр ёки бозор нархига яқин қилиб белгиланиши мулкнинг рақобатбардошлигини ошириб, мулк эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Кўчмас мулк қийматини аниқлаш усуллари турли хиллиги ҳар иккала томоннинг ўзаро манфаатларига хизмат қилади.

Хорижий давлатларда кўчмас мулк солиғи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, турли мулк солиғини белгилаш орқали амалга оширилади.

³ Муаллиф томонидан мустақил ўрганишлари асосида шакллантирилган.

Мамлакатимизда ҳозирда ислоҳ қилинаётган мол-мулкни солиққа тортиш тизими учун ривожланган мамлакатларнинг солиқ ундириш механизмларини ўрганиб чиқиб унинг мамлакатимиз иқтисодиётига, аҳоли минталитетидан келиб чиқиб қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида келтирилган жадвалда хорижий мамлакатларда мол-мулк солиғини ундиришда айрим элементлар кўрсатиб ўтилган:

3-жадвал

Дунё мамлакатларида мол-мулк солиғини ундиришдаги айрим элементлар⁴

№	Дунё мамлакатлари	Солиқ объекти	Солиқ ставкаси	Имтиёзлар
1	Белоруссия Республикаси	Кадастр қийматидан. Квартиралар, ҳовлилар дачалар, боғ уйлари,	0,1- жисмоний шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар 0,2- икки ва ундан ортиқ квартирага эга бўлган жисмоний шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари	Жисмоний шахслар учун: - жисмоний шахсга тегишли бўлган кўп хонали уйнинг бир хонаси; - пенсионерлар; - I ва II гуруҳ ногиронлари; Юридик шахслар учун: - объект ишга туширилган биринчи йили коэффициент белгиланмайди/ 2 йили -0,2 коэффициент 3 йили – 0,4 коэффициент 4 йили – 0,6 коэффициент 5 йили – 0,8 коэффициент

⁴ Маллиф томонидан мустақил ўрганишлар асосида шакллантирилган.

				- қолган йиллар солиқ ставкасининг ўзи қўлланилади.
2	Россия Федерацияси	Кадастр қийматидан. Кўчмас мулк, квартира, уйлар, яшаш учун мўлжалланган ҳар қандай объектлар;	0,1% - 50 кв.м. ошмайдиган объектлар, яшаш ва томорқа хўжалигини олиб боришга мўлжалланган ва қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланган жойлари учун; 2% -300минг рублгача суммага баҳоланган мулкларга нисбатан	Имтиёз суммаси квадрат метрга нисбатан берилади. - 50 кв.м. – уйлар учун; - 20 кв.м. – квартиралар учун; - 10 кв.м. қийматидан бир хона учун; 0,5% - бошқа барча солиқ объектларидан ; Шунингдек: - уруш ветеранлари; - пенсионерлар; - I,II гуруҳ ногиронлари солиқдан тўлиқ озод этилади;
3	Канада	Ер ва мулкнинг бирлашган ҳолдаги бозор қийматидан.	1-2% кўчмас мулкнинг қийматидан.	Қуйидаги жисмоний шахслар солиқдан озод этилади: - пенсионерлар; - кам таъминланганлар;

				<p>- пенсионер онасини таъминлайдиган оилалар; - пуллик тиббий хизматдан фойдаланувчилар; - дори воситаларини ўзларини ҳисобларидан харид қиладиган фуқаролар</p>
4	Франция	<p>Мулкнинг бозор қийматидан. Кўчмас мулкда яшаганлик учун солиқ, кўчмас мулк солиғи</p>	0,5-1,5% мулкнинг бозор қийматидан.	<p>Қуйида келтирилганлар солиқ тўловчи ҳисобланмайди: - давлат ёки маҳаллий ҳокимият органларига тегишли бўлган бино ва иншоотлар; - бошқа давлатга тегишли бўлган бинолар (элчихоналар); - давлат ташкилотлари бинолари (университетлар, госпиталлар ва бошқалар); - диний ташкилотлар бинолари; - қишлоқ хўжалиги фаолиятини олиб бориш учун фойдаланиладиган қурилмалар</p>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳар бир мамлакатларда кўмас мулкни солиққа тортишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Сўнги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш мақсадида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди мутахассислари жалб қилиниб улар томонидан билдирилган тегишли таклифлар ўрганиб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон амалиётида 2018 йилнинг 1 январига қадар бино ва иншоотларнинг инвентар нархида белгилаш тизими амалиётда эди. Бу тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда мулкларнинг ҳақиқий реал бозор нархи инобатга олинмайди. Бу эса ўз навбатида бу солиқни ундиришдаги харажатларни ошишига, давлат бюджетига ушбу солиқ тури бўйича тушумлар миқдорини камайишига олиб келади.

Қуйида келтирилган жадвалда Ўзбекистон Республикасида мол-мулк солиғини ундиришда қўлланилган қийматлар акс эттирилган:

4- жадвал

Кўчмас мулкка нисбатан солиқ ҳисоблашда шартли белгиланган қийматлар (млн.сўм.)

№	Йиллар	Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри учун	бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда	Изоҳ
1	2016	20,328	8,833	Инвентар баҳоси мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
2	2017	20,328	8,833	Инвентар баҳоси мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
3	2018	210,0	90,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
4	2019	210,0	90,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
5	2020	210,0	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат
	2021	210	84,0	Кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда шартли қиймат

	2022	210	84,0	Кадастр қиймати бўлмаганда қиймат	мавжуд шартли қиймат
--	------	-----	------	-----------------------------------	----------------------

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йилга қадар кўчмас мулкка нисбатан солиқ ҳисоблашда шартли белгиланган қийматлар 20,328 млн.сўми ва 8,833 ташкил қилганлиги, бу қийматлар мулкнинг ҳақиқий қийматини ўзида акс эттирмаган. Бу қийматлар натижасида ҳисобланган солиқ суммаси ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган деб ҳисоблаймиз.

Солиқ ислоҳотлари олиб борилиши ва кўчмас мулклардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ солиш мақсадида кўчмас мулк объектлари қийматини кадастр баҳоларида белгилаш тизими жорий қилиниши натижасида мулкнинг бозор нархига яқин кадастр қиймати шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига тегишли қўшимчалар киритилиб, 2020 йилда мол-мулкнинг шартли қиймати учун база **қирқ икки миллион сўм қилиб белгиланди.**

Мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида шартли қийматнинг беш баравари, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса – шартли қийматнинг икки баравари миқдорида кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди.



1-диаграмма. Бюджет тушумларида мол-мулк солиғининг улуши (млн.сўм)⁵


Диаграмма маълумотларидан кўринадики 2019-2020 йилларда коронавирус пандемияси даврида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, пандемия давридан кейин

⁵ Ушбу диаграмма Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

даврда тадбиркорлик субъектларига фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш, пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида солиқлардан озод этиш, бўлиб-бўлиб тўлаш, ставкаларни пасайтирилиши натижасида солиқ тушумларида камайиш кузатилди.

2021-2022 йиллардан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаларининг индексацияланиши, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича камайтирилган солиқ ставкалари миқдорининг ортиши, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини индексация қилиниши натижасида тушумларнинг ўсиши кузатилди.

Ривожланган давлатлар тажрибасида кўчмас мулкдан ундириладиган солиқлар жами солиқ тушумларида сезиларли ўринга эга. Ушбу солиқлардан тушган тушумлар маҳаллий бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этади. Ушбу солиқлардан тушган тушумлар ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилади.



2-диаграмма. Ривожланган давлатлада кўчмас мулкдан ундириладиган солиқларнинг жами солиқ тушумларидаги улуши ⁶

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда мулкдан солиқ ундиришнинг улуши кам фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга

⁶ Очилов А.А. Маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари механизми ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш. Магистрлик диссертацияси. Т.:2018й.-6.75

олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг имкони мавжуд эмаслиги деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек солиқ хизмати органлари билан кадастр ташкилоти маълумотлар базасининг интеграциялашувида баъзи бир маълумотларининг номувофиқлиги юзага келмоқда. Жумладан кадастр ташкилотининг дастурларида қуйидаги камчиликлар кўринмоқда:

- кадастр рақами берилган объектнинг эгаси билан ҳақиқатдаги эгасининг бошқалиги. Кадастр рақами терилганда мулк эгаси бошқа шахс бўлиб чиқади;

- битта мулк эгасининг номига бир нечта кадастр рақамлари бириктирилган;

- кадастр ташкилоти дастурга объект киритганда бу объект солиқ органи базасига маълумот киритилган куннинг ўзида кўринмайди.

Солиқ тўловчининг маълумотлари кадастр ташкилотининг кадастр ҳисобини юритадиган дастурига киритилгач маълумотлар тўғридан-тўғри солиқ органининг тегишли дастури базасига кўринмайди.

Кадастр ташкилоти дастурининг тўғри шакллантирилмаганлиги солиқ ундиришда ноқулайликларни, солиқ тўловчилар сони ва базасини аниқлаш имкониятини мураккаблаштирамоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ҳозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар ҳисобланишида, имтиёзлар қўллашда ва бошқа бир қатор солиқ элементларини ҳисобга олишда такрорланишлар ва ер солиғи ҳисоблашнинг мураккаблиги мавжудлиги солиқ тўловчилар учун қийинчилик ва муаммоларни туғдирмоқда.

Жумладан:

➤ Бир объект учун иккита шахсий карточка юритилади;

➤ Бир объект учун иккита ҳисоб рақамга тўловлар амалга оширилади;

➤ Солиқ тўловчилар битта объект учун иккита ҳисоб рақамга тўловларни тўлашлари лозим.

➤ Солиқ органларининг дастурий маҳсулотлари жисмоний шахсларга маҳаллий солиқларни тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи ташкилотларнинг маълумотлар базасига интеграция қилинмаган. Масалан соғлиги туфайли ногиронлик тоифасини бериш ваколатига эга ташкилотлар, фуқароларнинг ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ваколатли органларнинг маълумотлар базаси, фуқаронинг ижтимоий ҳолати(ёлғиз она, боқувчисини йўқотганлик ва бошқалар)

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб кўчмас мулк солиғи амалиётига тўлиқ ўтиш, шунингдек мулкларни солиққа тортишда табақалашган ставкаларни қўллаш.

2. Дастурий маҳсулотда ишлаш тезлиги ошади, жисмоний шахсларга тегишли бўлган 7 млн дан ортиқ шахсий карточка камаяди, тегишли бўлган мол-мулк ёки ер солиқларидан мавжуд қарздорлик ортиқча тўловлар ҳисобидан камаяди.

3. Солиқ органларининг дастурий маҳсулотларини жисмоний шахслар-га маҳаллий солиқларни тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқини берувчи ташкилотларнинг маълумотлар базасига интеграция қилиш. Масалан соғлиги туфайли ногиронлик тоифасини бериш ваколатига эга ташкилотлар, фуқароларнинг ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ваколатли органлар, фуқаронинг ижтимоий ҳолати(ёлғиз она, боқувчисини йўқотганлик ва бошқалар)ни тасдиқловчи ташкилотлар.

Бунинг натижасида солиқни ҳисоблаб чиқариш механизми соддалашади, адолатлилик, шаффофлик принципи таъминланади. Солиқни ҳисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашиб унга кетадиган харажатлари камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>

2. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

3. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

4. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

5. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

6. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА

ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

7. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>

8. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.

9. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823

10. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>

11. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.

12. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>

13. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405

14. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>

15. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>

16. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics*,

- Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>
17. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.
18. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. *International Journal of Economic Perspectives*, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>
19. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . *World Scientific Research Journal*, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>
20. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // *Бюллетень науки и практики*. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
21. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 11(11), 74-79.
22. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, *International Journal of Low-Carbon Technologies*, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>
23. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In *НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ* (pp. 181-183).
24. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 220–229. Извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795
25. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. *International Finance and Accounting*, 2021(2), 29.
26. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In *НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ* (pp. 175-177).